# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 22 март, № 56 (5223) Сешанба


# БУНЁДКОРЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ



## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда она-юртимиз — Ўзбекистонимиз заминига гўзал баҳор нафаси билан бирга барчамиз орзиқиб кутган Наврўзи олам кириб келмоқда.

Табиат очилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз яшил либосга бурканиб бораётган мана шу лаҳзаларда сиз, қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни Наврўз байрами билан чин юракдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз ҳамиша шоду хуррамлик билан кутиб оладиган қутлуғ байрамлар ва саналар кўп. Лекин шу кунларда эл-юртимиз нишонлаётган Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир.

Шарқона янги йил бўлмиш бу сана одамзод қалбида эзгу интилишларни уйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган севимли байрамидир.

Бу бетакрор айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, бағримизни кенг очиб, “Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимизга тинчлик-омонлик келтирсин!” деб қарши олиш азалий одатимизга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай холисона, пок ниятлар билан заҳматкаш деҳқонларимиз офтоб нуридан тобора қизиб бораётган ерга уруғ қадаб, бепоён далаларимиздан мўл ҳосил ундириш мақсадида янги меҳнат мавсумини бошламоқда.

Бугун мана шу мунаввар дамларда ҳаммамизнинг тилагимиз: фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг, барча меҳнатчиларимизнинг бахтини, омадини берсин, ишлари бароридан келсин.

Наврўз шукуҳи, кўклам шабодаси уфуриб турган шу дилбар фаслда инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, ён-атрофидаги одамларга, оиласи, ёр-дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, меҳр ва эътибор билдиришга эҳтиёж сезади, сумалак ва ҳалим, кўксомса каби тансиқ, ҳақиқатан ҳам миллий таомларимизни улар билан бирга баҳам кўришга интилади.

Маҳалла-кўй, эл-юрт билан аҳил бўлиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга, ногирон ва беморларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларнинг дуосини олиш сингари азал-азалдан халқимизга мансуб бундай олижаноб фазилатларимиз айни шу кунларда ўзининг яққол тасдиғини топишини кузатиш мумкин.

Шуни айтиш керак — кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳеч шубҳасиз, доимо ҳайратда қолиши муқаррар.

Наврўз руҳи, Наврўз фалсафаси билан ҳамоҳанг бўлган ўлмас шарқона қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб келаётган халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Қадрли юртдошларим, азизларим!

Бугун Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, бизнинг асосий мақсадимиз бўлмиш янги жамият, янги ҳаёт қуриш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олиш учун қатъий қадамлар қўяётганимизни халқаро жамоатчилик эътироф этаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва янги куч-қувват бағишлайди, албатта.

Аввало, халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнати, ўз кучимиз ва салоҳиятимизни оқилона ишлатиш ҳисобидан эришаётган юксак натижа ва марраларимиз ҳақида гапирганда, эътиборингизни икки масалага алоҳида жалб этишни зарур, деб билардим.

**Биринчидан,** бугун мана шундай хавфли-таҳликали, ўта нотинч бир даврда, жаҳон молиявий инқирози ҳали-бери давом этаётган пайтда эл-юртимиз нимаики натижаларни қўлга киритмасин, буларнинг барчаси юртимизда тобора мустаҳкам бўлиб бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқаролараро тотувлик ва аҳиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисобидан, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойликни кўз қорачиғидек асрашимиз ва сезгир бўлишимизни замоннинг ўзи талаб этади.

**Иккинчидан,** биз ҳаётимизда эришаётган ютуқ ва марраларни халқаро ҳамжамият билан ҳамнафас бўлиб, узоқ ва яқин, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликда иш тутишимизнинг самараси сифатида кўрамиз ва бундай ҳамкорликни янада кучайтириш тарафдоримиз.

Наврўз руҳи барчамизни айни шундай орзу-ниятлар ва интилиш билан яшашга даъват этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай шодиёна кунда шу юксак минбардан туриб, бугунги тантанамизда биз билан бирга иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, бизга хайрихоҳ бўлган барча дўсту биродарларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан самимий қутлашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугунги унутилмас, улуғ айёмда нуроний отахон ва онахонларимизни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ёшларимизни — ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган менинг фарзандларимни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Азиз бошингиз омон, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, бахту саодат ёр бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан репортаж

***Тарихий манбаларда келтирилишича, Наврўзнинг ёши тўрт минг йилдан ошар экан. Шунинг учун ҳам Наврўз халқимиз тарихидаги энг қадимий ва умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган байрам бўлиб, у янги йил, янги кун бошланиши сифатида нишонланади.***

***Абу Райҳон Беруний, Фирдавсий ва бошқа алломаларнинг асарларида қадимда Наврўз шарафига катта сайиллар ўтказилиб, бутун халқ табиат қўйнида хурсандчилик қилганлиги, дастурхонлар ёзилиб, зиёфатлар уюштирилганлиги, сумалаклар пиширилиб, хайру эҳсонлар қилинганлиги ва муҳтожлар кўнгли кўтарилганлиги қайд этилади.***

***Бироқ бу байрам асрлар давомида бир неча марта қатағонга учраганлиги ҳам айни тарихий ҳақиқатдир. Хусусан, мустабид тузум даврида Наврўзни йўқ қилишга, уни ҳатто халқимиз хотирасидан бутунлай ўчиришга уринишди.***

Халқимизнинг азалий қадриятлари, урф-одатлари, байрамлар, сайиллар, тўю томошалар, ҳатто маърака билан боғлиқ одатларимизни қатағон қилиш, она тилимизни хўрлаш, миллатни айблаш, камситиш давом этиб турган оғир бир пайтда Ислом Каримов томонидан миллий қадриятларимизни тиклаш борасида қилинган ишлар беқиёс жасорат намунасидир. Дастлаб 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат мақоми берилган бўлса, орадан кўп ўтмай, Наврўз нишонлана бошлангани ана шу жасорат туфайлидир.

Бугун эл-улус қалбида бунёдкорлик кайфияти барқарор. Шу боис жойларда ободончилик-кўкаламзорлаштириш юмушлари авжида. Беморлар ҳолидан хабар олиш, муҳтожларга кўмак бериш ўзбекона хислат саналади. Ана шу фазилатлар эъзозланаётган шу кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида, энг чекка қишлоқларда ҳам Наврўз кўтаринкилик билан нишонланмоқда. Байрам шукуҳи аллақачон одамлар қалбига, шоир илҳомига, ҳофиз қўшиғига кўчиб улгурди.

Пойтахтимизнинг барча марказий майдонлари ва хиёбонларида ҳам байрам катта шодиёна ва кўтаринки руҳда ўтмоқда.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи Наврўзга хос тарзда кўркамлик касб этган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Миллий боғ йўлаклари бўйлаб турли қандолат, ноз-неъматлар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Сумалак, ҳалим, кўксомса сингари баҳорий таомларни кўриб, шу кунларга етказганига беихтиёр шукроналар айтасан, киши.

Муҳташам безатилган саҳна фонида Ўзбекистонимизнинг мафтункор, гўзал табиати, лолазорлар, яшнаган чаманзорлар жамоли, турфа безаклар, ранг-баранг пуфаклар, ленталар акс этганини кўриб, осмони мусаффо, замини ҳосилдор, суви тоза шундай гўзал юртда яшаётганинг билан фахрланасан...

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюради. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини гулдурос қарсаклар билан кутиб олишади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади. Президентимиз халқимизни қутлуғ айём — Наврўз билан табриклайди.

Майдонда карнай-сурнай садоси янградйди. Байрам тантаналари бошланади.

Бу йил истиқлолимизнинг қутлуғ 20 йиллигини нишонлаймиз. Мана шундай қисқа фурсатда озод ва обод Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлида эришилган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, аввало, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани чуқур ҳамда пухта ўйланган мақсад ва муддаоларимизнинг ҳаётбахш самарасидир. Бошқача айтганда, “ўзбек модели” деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб бермоқда.

(Давоми 2-бетда).



## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида демократик талабларга жавоб берадиган замонавий сиёсий тизим барпо этиш йўлида жамият ҳаётининг изчиллик билан босқичма-босқич эркинлаштирилишини таъминловчи бир қатор ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди ва улар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.***

**Концепция**

Зеро, амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг асосий йўналиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали таъминлаш, сиёсий тизимда бевосита иштирок этувчи фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш жараёнларини тобора чуқурлаштиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат қурилиши масалалари тўғрисида гапирар экан, “давлатнинг куч-қудрати, аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади.

(Давоми 2-бетда).

**Сайил**

## ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ БАЙРАМ

***Алишер Навоий бобомиз лутф этганларидай, фарғоналикларнинг ҳар бир туни қадр бўлиб, ҳар кунида Наврўз бонги жаранглаяпти. Бу туйғуни, бу ажиб ҳисни Наврўз насимидан сармаст мусичаларнинг бир-бирини эркалашидан, баҳорий абринайсонлардан сархуш қўзичоқнинг довдирашидан, дарахтларнинг кард новдаларига югурган бодроқлардан, энг муҳими, одамларнинг фараҳрўз кўнгилларидан, дилхуш кайфиятларидан сезиш қийин эмас.***

Бутун вилоятни улкан Наврўз саҳнасига қиёслаш мумкин. Эътибор беринг: оммавий тадбирларда 35 та халқ дастаси, 160 га яқин бадиий жамоа, 22 та фольклор, 5 та оилавий, 4 та дорбозлик, 3 та цирк, 6 та аскиячи ва қизиқчилар гуруҳлари Наврўз тантаналарига тароват киргизишмоқда. Бундан ташқари, 4 та вилоят театри, 15 та халқ театрининг ижодий гуруҳлари ҳам қамишдан

(Давоми 2-бетда).

# БУНЁДКОРЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани, албатта, барчамизга мамнуният бағишлайди.

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилдагига нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди. Буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолатдир.

...Майдон узра жилдираб оқаётган сув садоси, булбуллар хониши, гуллар очилишини ифодаловчи рамзий лавҳалар кўзга ташланганда дилда ҳаяжон уйғонади. Беихтиёр саҳна атрофига разм соласиз ва турли бадиий жамоалар миллийликни ўзига хос йўсинда акс эттириб турганига гувоҳ бўласиз.

Наврўз нафақат эзгу тантаналар шодиёнаси, шу билан бирга, яратиш, яшнатиш, бунёдкорлик айёми ҳамдир. Шу маънода, бугун мамлакатимизнинг нафақат марказий ҳудудларида, балки энг чекка қишлоқларида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, замонавий академик лицей-у касб-ҳунар коллежлари, мактаблар, врачлик пунктлари барпо этилаяпти. Азиз-авлиёларнинг қадамжолари обод қилинмоқда, халқимизнинг ардоқли кишиларига муносиб эътибор кўрсатилаётир.

Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида "Спарк" енгил автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Катта ҳажмда юк ташийдиган "MAN" автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, "LG" русумидаги жаҳонга машҳур холодильникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, ўтган йилда 2009 йилдагига нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

2010 йилда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

Ҳаво транспорти ва темир йўл паркларини янгилаш ишлари давом эттирилмоқда. Ўтган йили "Эйрбас индастри" компаниясининг 6 та А-320-200 русумли самолёти, 8 та замонавий электровоз сотиб олинди, 1 минг 790 та юк ташийдиган ва 38 та йўловчи ташийдиган вагонлар қурилди, таъмирланди ва модернизация қилинди.

Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб номланган 2010 йилда келажак ворисларига янада юксак эътибор қаратилди. Бу навқирон авлод учун беқиёс ғамхўрлик демакдир. Бугун жойларда ёшлар учун замонавий туржой бинолари барпо этилаяпти, янги иш ўринлари яратилаяпти. Биргина 2010 йилнинг ўзида мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди. Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ҳамда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурларни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида 2010 йилда 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди.

Шунингдек, фарзандларимизнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар 2009 йилда олтита мусиқа ва санъат мактаби қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, айни пайтга келиб 46 та ана шундай мактаб фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига 51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ йўналтирилди.

...Наврўзни "Миллий анъаналаримизни намойиш этувчи кўзгу", деймиз. Бунинг исботи тариқасида Наврўз удумлари — арқон тортиш, чиллак, полвонлар беллашуви сингари азалий ўйинлар ижро этилади. Масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, ёғоч от ўйнатувчилар ҳам ўз истеъдодларини кўрсатадилар. Элимизнинг ардоқли санъаткорлари ижро этган халқ қўшиқлари, лапар, айтишувлар, ёр-ёру ялалар ёшлар ижросида талқин қилинади. Катта ашулалар ижро этилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказининг вилоятлардаги филиалларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди. Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилдагига нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошди.

Истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилаётган шарт-шароит ва ғамхўрлик, аҳоли саломатлигини асраш борасидаги туб бурилиш — буларнинг барчаси МУСТАҚИЛЛИК шарофатидандир. Зеро, халқимиз истиқлолнинг мазмун-моҳиятини англаб етди, Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшишга интилиш фуқароларимизнинг эътиқодий бурчига айланди. Наврўз байрамининг бугунги жозибаси ва шукуҳи ҳам, шак-шубҳасиз, Истиқлол туфайлидир.

Бугунги кунимизнинг мазмун-моҳиятини, устувор вазифаларини ўзида мужассам этган байрам кўринишлари ҳар бир дилга олам-олам шодлик улашади.

Юрт равнақини, баркамол авлод орзусини ўйлаб олиб борилаётган ислоҳотларни, шодиёна тароватини, улкан бунёдкорликни тараннум этувчи қўшиқлар янграйди. Юртимизнинг машҳур санъаткорлари, "Ниҳол" мукофоти соҳиблари ва ёш эстрада хонандалари ўзларининг дилбар қўшиқ ва рақслари билан байрамга шукуҳ, меҳмонлар қалбига завқ улашадилар.

Наврўз тароватн бутун юрт узра, қалблардан қалбларга кўчиб юраверади. Жойларда, маҳаллаларда, юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам халқ сайли давом этади. Байрам шукуҳи барчани яратиш, яшнатишдек эзгу юмушларга ундайди.

Юртимизга хуш келибсан, сафо келибсан, Наврўзи олам!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Сарвар ЎРМОНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Наврўз туҳфалари

***Наврўз байрами кунларида Қадимий Хўжа Пешку қишлоғида кўп тармоқли хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

### Қишлоқ аҳлига қулайлик

Бунинг учун Пешку туманидаги "Акбаршоҳ" йўл-қурилиш таъмирлаш корхонаси томонидан олтмиш миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ҳозир бу ерда тўйхона, ошхона, новвойхона, озиқ-овқат дўкони, "Гўзаллик салони", шунингдек, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ишлаб турибди.

Таъкидлаш керакки, 2010 йилда вилоятда 894 та сервис шохобчаси ташкил этилди. Уларнинг 80 фоиздан ортиғи қишлоқларда жойлашганлиги, айниқса, эътиборлидир.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Камолот боғи»

***"Камолот" ЁИҲ Хоразм вилояти бўлими ва "Урганчтрансгаз" корхонаси жамоаси ҳамкорлигида Хива туманидаги Шомохулим қишлоғида боғ барпо этилди.***

8 гектар майдонни эгаллаган ушбу сўлим "Камолот боғи"га икки минг туп мевали ва минг тупдан зиёд манзарали кўчатлар ўтқазилди.

Эътироф этиш керакки, "Камолот боғи"ни яратиш ишларига 200 нафардан зиёд "камолотчи"лар бош-қош бўлди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Сен баҳорни соғинмадингми?»

***Гулистондаги маънавият ва маърифат марказида ёш мусаввирларнинг "Сен баҳорни соғинмадингми?" деб номланган кўргазмаси ташкил этилди.***

Унда мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг саралаб олинган 80 дан зиёд ижодий ишлари намойиш қилинди. Мазкур асарларда юрт манзаралари, баҳор нафаси, Наврўз айёми шукуҳи рангин бўёқларда акс эттирилгани билан бу ерга ташриф буюрувчиларда катта таассурот қолдирди.

Якунда тадбирнинг фаол иштирокчилари Муқаддас Маматкаримова, Жасур Эргашев ҳамда Диёра Худойбергановага эсдалик совғалари топширилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Корхонага халқаро мукофот

***Самарқанддаги 2514-автожамланма жаҳонда ўн тўртинчи бор ўтказилаётган транспорт бўйича халқаро совриннинг олтин медалига сазовор бўлди.***

Бу ҳақда Испаниянинг Мадрид шаҳридан — Савдо етакчилари клуби ташкилоти президентидан махсус мактуб олинди. Айтиш жоизки, дунёдаги 95 дан ортиқ мамлакатнинг етти мингдан зиёд йирик ва кичик корхоналари ҳамда компаниялари раҳбарлари Савдо етакчилари клуби аъзолари ҳисобланишади.

Товар ҳамда йўловчи ташишдаги малакали ва сифатли хизмати орқали халқаро савдо ривожига, шунингдек, ўз мамлакати миллий иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётганлиги учун самарқандлик транспортчилар шундай эътирофга муяссар бўлдилар.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ БАЙРАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бел боғлаб хизматда бўлишди. Наврўз тантаналарини беҳуда улкан саҳнага қиёсламадик. Чунки бу тантаналар доирасида барча шаҳар, туман ва маҳаллаларда 1000 дан зиёд таниқли, эл суйган санъаткорларнинг чиқишлари уюштирилди.

Биргина Фарғона шаҳрининг ўзида, аҳоли кўп тўпланадиган мавзеларда 10 га яқин саҳналар бунёд этилди. Белгиланган жадвал бўйича таниқли санъаткорларнинг барча саҳналарда, Наврўз давом этаётган ҳозирги кунларда ҳам энг олис, энг чекка қишлоқларда дилтортар қўшиқлари билан иштирок этиши таъминланди.

Байрам кунларида фақат кўнгилочар тадбирлар билан чегараланиб қолинмай, балки бири-бирига уланиб кетадиган спорт мусобақалари — кураш, карате, акробатика, спорт гимнастикаси, арқон тортиш, югуриш, армрестлинг бўйича ҳар бир қишлоқ, туман, шаҳарларда мусобақалар ўтказилди. Ҳунармандчилик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, мискарлик бўйича усталарнинг кўргазмалари намойиши ҳам ташкил этилди.

— Фарғонанинг ҳар бир қишлоғи, маҳалласи, хонадонида Наврўзни ўзига хос тантана билан нишонлаш анъанага айланган, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Акрамжон Йўлбарсов. — Бу сафарги тантаналар ҳам вилоят ҳудудидаги 1014 та маҳалла фуқаролар йиғинида бири-бирига ўхшамайдиган йўсинда ўтказилди. Чунончи, тоғлик сўхликлар байрамни "Лола сайли" билан ҳамоҳанг нишонлашган бўлса, Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғи аҳли бутун оиласи, бола-чақаси билан кўклам қуёшидан баҳра олиб, яшнаб, ям-яшил либос кийган қирларга кўчиб чиқишди, Данғара туманининг Оқжар қишлоғи аҳолиси Сирдарё соҳилларига дошқозон осиб, сумалак пиширса, қуваликлар, асосан, анор боғларини байрам ошёни сифатида танлашди.

Байрамни чинакам сайил сифатида халқимиз катта қувонч билан кутиб олди. Ҳатто, эрта тонгда байрамга чорловчилар ўртасида ҳам танловлар ўтказилди. Чунончи, қатор қишлоқларда қўчқор, хўроз уриштириш сингари халқ ўйинлари ташкиллаштирилди. 100 дан зиёд маҳаллаларда хайрия суннат тўйлари ўтказилиб, Наврўзбекларнинг қўллари ҳалолланди. 300 га яқин 90-100 ёшли отахону онахонлар ҳам эъзозланди, сийланди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

...Жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин, уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдига қандай вазифа қўйилмасин — улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин" деб алоҳида таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг асосий мазмун-моҳияти "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" ғоясининг амалга оширилишида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, кўп партиявий тизимнинг қарор топиши ва сиёсий партияларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий гаровидир.

Ўтган йиллар мобайнида сиёсий партиялар сиёсий плюрализмнинг амалий ифодаси сифатида ўзининг шаклланиш босқичини ўтаб, амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг бевосита иштирокчисига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида илк маротаба "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади", деган норманинг белгилаб қўйилиши кўп партиявийлик тизимини шакллантиришнинг муҳим конституциявий асоси ҳисобланади. Бундан ташқари, Асосий Қонунимизнинг қуйидаги 10 та моддасида, яъни 10, 34, 56, 57, 60, 77, 106, 108, 112, 120-моддаларида бевосита сиёсий партияларга оид қоидалар мустаҳкамланганлиги ҳам сиёсий партияларни ташкил этиш, улар фаолиятини кафолатлашга устувор аҳамият берилганлигидан далолатдир.

Мазкур конституциявий тамойиллар асосида 1996 йил 26 декабрда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади ва Ўзбекистонда кўп партиявийлик ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди.

Шунингдек, 2004 йил 30 апрелда сиёсий партиялар молиявий таъминотининг ҳуқуқий асосини таъминлаш мақсадида "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибларини мустаҳкамлаб берди.

2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун мамлакат сиёсий майдонидаги партияларга кенг ваколатлар бериш баробарида улар зиммасидаги масъулиятни ҳам оширди. Мазкур Қонун сиёсий партияларнинг фаолият йўналиши ва дастурларини янада ривожлантириш, уларнинг парламент қуйи палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар ишидаги кенг иштирокини мустаҳкамлайдиган барқарор тизимни шакллантиришни кўзда тутади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида ҳам сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишга қаратилган қатор таклифлар илгари сурилди. Ушбу таклифлар ичида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига таклиф этилаётган ўзгартишлар алоҳида аҳамиятга эга. Ундан кўзланган асосий мақсад Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларининг янги тартибини ўрнатишни кўзлайди. Унга кўра, "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади". Ушбу киритилаётган таклиф сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишга қаратилган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи ва мантиқий давомидир.

Агар ҳозирга қадар, амалдаги қонунчиликка кўра, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари Бош вазир номзодини танлашда маслаҳатлашув институти орқали иштирок этган бўлса, Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси орқали билдирилаётган таклиф асосида, сайлов натижаларига кўра, энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги ўринларга эга бўлган бир неча сиёсий партияларга Бош вазир номзодини таклиф этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Ушбу тартиб ГФР, Италия, Венгрия, Чехия, Латвия, Эстония, Швеция, Дания, Япония каби бир қатор хорижий мамлакатларда кенг қўлланиладиган таомилларга тўлиқ мос келади. Бунда ҳукуматнинг сайлов натижалари бўйича ғолиб чиққан партия ёки партиялар коалицияси вакилларидан иборат таркибда шаклланишининг асосий шартларидан бири парламент ишончини қўлга киритиши саналади ва унга билдирилган ишончсизлик вотуми ҳукуматнинг истеъфога чиқишига ёки парламентни тарқатиб юборишга олиб келади.

Маълумки, парламент сайловларининг натижаси орқали қўлга киритилган депутатлик ўринлари ҳар бир сиёсий партиянинг жамият ва сиёсий саҳнадаги реал ўрнини белгилаб беради. Ўзининг сайловолди дастури ҳамда унда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш механизмининг сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланиб, парламент қуйи палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия, ҳукумат раҳбари номзодини таклиф этиш орқали, ушбу дастурларнинг ижросини амалга ошириш учун қулай имкониятга эга бўлади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги янги тамойиллар мамлакатимиз сиёсий тизимида том маънодаги янги босқични белгилаб бериш билан бирга, сиёсий партияларнинг келгуси фаолиятига ҳам янгича мазмун бахш этади.

Жумладан, аввало, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ўз сафларининг шаклланишини такомиллаштириш учун партиялар янги аъзоларни танлаш ва қабул қилиш мезонларини қайта кўриб чиқишлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш орқали янги ғояларни шакллантиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, бўлғуси парламент сайловларида муваффақият қозониш учун сайловчилар билан муносабатларнинг кучайтирилишига, жадал мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришга, давлат ҳокимияти устидан кенг жамоатчилик назорати олиб боришга ҳамда қонун ижодкорлигида фаол иштирок этишга кенг имкониятлар яратади.

Учинчидан, сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантиришга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган ушбу тадбирлар мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичида уларнинг фаоллигини янада ошириб, фуқаролар кенг қатлами орасига кириб бориши ва аҳоли манфаатларини давлат сиёсати даражасига олиб чиқишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Ихтиёр БЕКОВ,**
**Тошкент давлат юридик институтининг доценти.**




***Республика болалар кутубхонасида Наврўзи олам муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари ва уларнинг устоз-мураббийлари иштирок этди.***

# МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Айтиш жоизки, ёш авлод қалбида миллий қадриятларга эҳтиром ҳиссини шакллантиришда халқимизга хос меҳр-оқибат ва бағрикенглик хислатлари тараннум этилган бу каби тадбирлар катта аҳамиятга эга. Хусусан, бебаҳо анъана ва урф-одатларимиз акс этган Наврўз сайли ҳам ўсиб келаётган ўғил-қизларни эзгулик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Наврўз ҳар бир қалбга қувонч ва шодлик улашади, у туфайли инсонлар дилида эзгу ниятлар туғилади, — дейди кутубхона-

**Тадбир**

нинг санъат бўлими мудири Ноила Рўзматова. — Мана, бугун ҳам болажонлар байрамдан бир олам завқ олиб, ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳис этган ҳолда, шўх-шодон рақсга тушмоқдалар. Уларнинг юз-кўзидаги бу қувончни кўриб, фарзандларнинг ёруғ келажагини таъминлаш улуғ мақсад саналадиган шундай бебаҳо юртда яшаётганингдан ғурурланиб кетасан, киши.

Тадбирда В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг иқтидорли ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Шундан сўнг болажонлар миллий эртак қаҳрамонлари иштирокидаги қизиқарли интеллектуал ўйинда ўзаро куч синашишди. Ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Элдор МАДАТОВ.**

# «Шашмақом» сайёҳлар хизматида

***“Олтин мерос” халқаро жамғармасининг Бухоро вилояти бошқармаси қошида “Шашмақом” ансамбли ташкил этилди.***

**Қадрият**

Миллий қўшиқчилик санъатини ривожлантириш, халқимизнинг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, номоддий бойлигимиз ҳисобланган мумтоз қўшиқларимизни асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилган ушбу жамоа таркибида Эшпўлат Ортиқов, Темир ва Обид Толиповлар, Меҳринисо Самиева сингари Бухоро шашмақомининг моҳир ижрочилари бор.

Эътиборли томони шундаки, мазкур жамоа қадим ва навқирон Бухорога ташриф буюрадиган сайёҳлар учун куй-қўшиқларимиз, миллий либосларимиз, умуман, санъатимизни намойиш қилишга қаратилган махсус концерт дастури тайёрладилар.

**Мухтасар КАРИМОВА.**









# СУМАЛАК БАЗМИ

***“...Сумалак — фаришталар таоми. Зеро, халқда шундай афсона бор. Бир она болаларига овқат пишириб берай, деса, уйида қозонга солгулик ҳеч вақо йўқ эмиш. Қиш чиқиб, кўклам неъматлари ер бағирлаб бош кўтарган эмасми, шу маҳал она ҳовли четига бир ҳовуч дон сепганини эслабди. Қараса, гиёҳ ниш урган. У бундан ўзида йўқ қувониб, майсани илдизи билан майдалаб, супрадан қоқиштириб олган унига қўшибди ва масалликни қозонга солибди.***

***Она қозондаги масалликни туни билан кавлай-кавлай кўзи илинган. Тонготар чоғи уйғониб қараса, масаллиқ ниҳоятда хушхўр таомга айланган эмиш. Негаки, таомни ўттиз малак пиширибди-да. Ўшандан бери бу таомнинг номи “си малак”, яъни сумалакдир”.***



Нуроталик Саодат ая ҳар йили сумалак солиб, қозон бошида невараю эвараларига ана шундай ҳикоялар сўйлайди. Момо омон-эсон кўкламга етказгани учун Яратганга ҳамду санолар ўқиб, тинч-фаровон ҳаёт завқини сураётганидан, бу баҳор ҳам фарзанди аржумандлари, қариндош-уруғлар даврасида сумалак пишираётганидан бениҳоя хурсанд.

Қадим Нуротада ана шундай кўтаринки кайфиятда, дилда шукроналик ҳисси ила Наврўзи айёмни нишонлашаётир.

— Равотўлғон гузари сумалак пиширишда азалдан етакчи, — дейди меҳнат фахрийси Ғофирбой Наврўзов. — Миришкорда ҳадиса ва ҳалим-гўжани

### Удум

қиёмига етказишса, Арабгузар ва Ўртагузарда яшовчилар турли-туман баҳорий кўкатлардан таом тайёрлаб, Наврўз кунида барчага улашишади.

...Айни дамда ҳам Чашмаи Нур бошидаги арк атрофида Наврўз сайли бўлмоқда. Чучмомадан чамбар ясаган қизлар, арқон тортишга шайланиб турган йигитлар юз-кўзидаги қувонч, завқ-шавқ кўнгилга ажиб бир мунавварлик бахш этади.

Кайвониларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бўғирсоқ пиширган бекалар дастурхонга ноз-неъматларни тўкиб соладилар. Кўксомса, чучвара, нишолда, қўйингки, таомларнинг юз хили базмга тортилади. Сумалак базмида эса ўйин-кулги янада авжига чиқади. Бу баҳорий неъмат ерга баҳор томчилари илк бор тушганидан то гуллар очилгунига қадар навбатма-навбат, хонадонма-хонадон пиширилаверади. Момолар сумалак солинган қозонни кавлай туриб, шундай хиргойи қилишади:

**Си малакжон,**<br>
**қувват бергин**<br>
**бу кеч, бизга,**<br>
**Умид билан**<br>
**қозон осдик**<br>
**бу кеч, сизга.**<br>
**Қозондаги**<br>
**оппоқ шарбат**<br>
**асал бўлсин,**<br>
**Тотган киши балли,**<br>
**раҳмат, десин,**<br>
**бизга...**

Наврўзнинг ана шундай завқи, таровати бор!

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ.**

### Марафон

*Наманганда ҳам яшариш ва янгиланиш байрами — Наврўз тадбирлари бошланиб кетди. Маҳаллаларда осилган дошқозонларда сумалак пишаяпти. Деҳқон даласини яшнатишга киришди. Ҳаққулобод шаҳрида эса байрамолди катта спорт мусобақаси ташкил этилди.*

## Наврўз шодиёнаси

Спортнинг енгил атлетика тури бўйича ўтказилган ушбу тадбирда туманнинг 10 мингдан зиёд фуқароси қатнашди. Улар шаҳар кўчалари бўйлаб 6 километр масофага югуриш бўйича баҳслашишди. Иштирокчилар орасида мактаб ўқувчиларидан тортиб, нафақадаги отахонларгача бор эди. Пировардида маррага олдингилар қаторида етиб келган 500 нафардан зиёд қатнашчига мусобақа ташкилотчиси — Норин тумани ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шундан кейин байрам шодиёналари “Шодлик” стадионига кўчди. Бу ерда тўпланганларга туман санъаткорлари томонидан тайёрланган бадиий дастур намойиш этилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**<br>
**«Халқ сўзи» мухбири.**





Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 19.25 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5